

“Агробанк” АТБ
Бошқарувийиғилишининг
2014 йил “30” *декабр* даги
84/12-4.6 сонли қарорига илова

Ташқи иқтисодий фаолият
ва валюта операциялари департаментининг

НИЗОМИ

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом "Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Банк сири тўғрисида" ва "Валютани тартибга солиш тўғрисида" ги Қонунлари, Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 3 июнда 2465-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом", 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги Йўриқнома", 2013 йил 21 ноябрда 2528-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари", 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ишларини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома", 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши Тартиби", банкнинг Устави талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва департамент ўз фаолиятини ушбу ҳужжатлар талабларига асосланган ҳолда ташкил этади.

2. Мазкур Низом департаментнинг мақсади, вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб беради.

3. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари департаменти (барча кейинги ўринларда "департамент") ўз ишини тасдиқланган иш режаси асосида ташкил этади ва Марказий аппаратнинг бошқа таркибий тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

4. Департаментга Бошқарув раиси томонидан тайинланадиган бошлиқ раҳбарлик қилади. Департаментнинг таркибий тузилмаси ва ходимларининг штат бирлиги банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

5. Департамент Марказий аппаратнинг мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланиб, ташкилий жиҳатдан қуйидаги тузилмалардан иборат:

1) Ташқи савдо операциялари бошқармаси, унинг таркибида:

а) Экспорт-импорт шартномалари ва мажбурий сотувни мониторинг қилиш бўлими.

б) Валюта биржаси амалиётлари бўлими.

2) Носавдо амалиётлар бошқармаси, унинг таркибида:

а) Халқаро пластик карталар бўлими.

б) Халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан ишлаш бўлими.


3) Вакиллик муносабатлари ва документар операциялар бошқармаси, унинг таркибида:

а) Вакиллик муносабатлари шўъбаси.

б) Документар операциялар бўлими.

в) Валюта операциялари ҳисобини юритиш маркази

6. Департамент ходимларининг лавозим мажбуриятлари ушбу Низомга



илова қилинади.

7. Департаментда иш юретиш банк тизимида ўрнатилган иш юретиш тартибига асосан амалга оширилади.

2. Вазифалари ва функциялари

8. Департаментнинг асосий мақсади – банк муомаласида бўлган хорижий валютани тартибга солиш ва назорат қилиш, экспорт-импорт операциялари соҳаларида амалдаги қонунчилик ҳамда банкнинг меъёрий ҳужжатлари асосидаягона амалиётни таъминлаган ҳолда фаолият юретиш.

9. Ушбу мақсадга эришиш учун департамент куйидаги вазифаларни бажаради:

а) банкнинг валюта ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш ва назорат қилиш;

б) банк томонидан валюта бозорида операциялар ўтказиш учун валюта маблағларини белгиланган тартибда барча манбалардан жалб қилиш борасида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

в) банк томонидан валюта операцияларини амалга ошириш ва хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг ташқи савдо шартномалари мониторингини қонунчилик талабларига мувофиқ юритилишини таъминлаш ва бу борада тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

г) экспорт қилувчи корхоналар ҳисоб рақамларига валюта тушумининг тушиши ҳамда импорт бўйича тўлов шакллариининг тўғри қўлланилиши устидан назоратни таъминлаш ва филиалларда ушбу юзасидан текширувларни мунтазам равишда ўтказиш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатиш.

д) чет эл валютасини очик валюта позицияси лимити доирасида сотиб олиш ва сотиш бўйича, шу жумладан чет эл валютасини ҳосилавий молия инструментлар асосида сотиб олиш ва сотиш бўйича ўз мижозлари билан ҳамда валюта биржалари орқали ва халқаро бозорларда операцияларни бевосита амалга ошириш;

е) банкнинг барча филиалларида носавдо тусидаги валюта ўтказмаларни амалга оширилишини ташкиллаштириш ва назорат қилиш;

ё) товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти юзасидан халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича валюта операцияларни ўтказишни назорат қилиш;

ж) хорижий валютадаги операцияларнинг ҳисобини, депозит ва вакиллик ҳисоб рақамлари бўйича маблағлар ҳаракати ҳисобини олиб бориш;

з) маҳаллий ҳамда чет эл банклари билан вакиллик алоқаларини ўрнатиш, вакиллик ҳисоб рақамларини очиш ва уларни юретиш;

и) валюта операциялари бўйича банк филиалларидан тегишли маълумот ва ҳисоботларни олиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда Марказий банк ва бошқа ваколатли идораларга ўз вақтида қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этиб борилишини таъминлаш;

й) Марказий банк томонидан валюта операциялари бўйича банк

2015 й. 16 - февраль

зиммасига юкланган топширик ва вазифаларни белгиланган тартибда ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш;

к)худудий филиалларнинг чет эл валютасида операцияларни ўтказиш юзасидан фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.

л)валюта биржасининг вакили сифатида банк номидан Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси ҳамда биржадан ташқари валюта бозоридаги савдоларда қатнашиш.

10.Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари департаменти функциялари бошқармалар ва бўлимлар функциялари йиғиндисидан иборат.

Экспорт-импорт шартномалари ва мажбурий сотувни мониторинг қилиш бўлими:

а)банкнинг Банк операциялари бошқармаси, худудий бошқармаларнинг Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари бўлимлари ҳамда худудий бошқарма тасарруфидаги филиаллар томонидан ташқи савдо шартномаларини мониторингқилиш юзасидан назорат олиб бориш;

б)экспорт шартномалари бўйича келиб тушган валюта тушумларидан мажбурий сотувни ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан назоратни олиб бориш;

в)мижозлар учун экспорт операциялари бўйича ўрнатилган валюта тушумидан мажбурий сотув истикбол режаларини банкнинг Банк операциялари бошқармаси ва худудий бошқармаларга етказиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

г)экспорт-импорт шартномалари бўйича мижозларнинг дебитор ва кредитор қарзлар ҳисобини юритилиши устидан назорат қилиш,солиқ ва божхона идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

д) капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларинимониторинг қилиш, улар ҳақида Марказий банкни хабардор қилиш ҳамда рўйхатга олиш, мазкур операциялар бўйича ҳисоботларни белгиланган шакл ва муддатларда Марқазий банкка тақдим этиш устидан назорат қилиш;


е)банк филиалларига ўз фаолияти йўналиши бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

ё)Банк филиалларидан олинган маълумотларни жамлаш ва уларни таҳлил қилиш.Марказий банк, солиқ ва божхона идораларига белгиланган ҳисобот шаклларида маълумотлар тайёрлаш ва уларни ўз вақтида тақдим этиш;

ж)ташқи савдо шартномаларининг бажарилиши юзасидан доимий мониторингни амалга ошириш ва божхона органлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда амалга ошириш;

Валюта биржаси амалиётлари бўлими:

а) мижозларнингчет эл валютасига бўлган талабномалари қондирилишига қаратилган дилинг хизматини ташкил этиш ва уни



таъминлаш;

б) валюта биржасининг вакили сифатида банк номидан биржадан ташқари валюта бозоридаги савдоларда қатнашиш;

в) миждозларнинг олди-сотди ҳамда импорт шартномаларини экспертизадан ўтказиш, банкнинг эксперт гуруҳига тақдим этиладиган буюртманомалар бўйича тегишли ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини назорат қилиш;

г) бўлим фаолиятига доир Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари, Молия вазирлиги ҳамда солиқ органи, Марказий банк ва банк раҳбарияти қарорлари бўйича ҳисобот ва ахборот материалларини тайёрлаш ва тақдим этиш;

д) ўз фаолияти йўналиши доирасида банкнинг филиалларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш.

Халқаро пластик карталари бўлими:

а) янги турдаги халқаро пластик карталар ва хизматларни жорий қилиш, уларнинг ҳисобини юритиш, пластик карталар билан конунчиликда белгиланган барча операцияларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш;

б) халқаро пластик карталар амалиётларининг бухгалтерия ҳисоби, даромад ва харажатлар балансини назорат қилиш, пластик карталар амалиётлари бўйича хавфсизликни таъминлаш;

в) даромадларни ошириш мақсадида янги турдаги халқаро пластик карталар ва хизматларни жорий қилиш, пластик карталар инфратузилмасини кенгайтириш, янги тариф режаларини ишлаб чиқиш ва тавсия қилиш;

г) пластик карталар амалиётлари бўйича статистика маълумотларни тўплаш ва белгиланган ҳисоботларни тегишли идора ва ташкилотларга тақдим этиш.

Халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан ишлаш бўлими:

а) халқаро пул ўтказмалари тизимидан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш ва амалга ошириладиган пул операцияларининг тўғрилиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича Марказий банк тавсиялари асосида иш олиб бориш;

б) халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан алоқаларни ўрнатиш, ўтказмалар кўламини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш шохобчалари сонини кўпайтириш ва пул ўтказмаларини амалга ошириш механизминини мувофиқлаштириш;

в) халқаро пул ўтказмалари бўйича статистик маълумотларни тўплаш ва белгиланган ҳисоботларни Марказий банк ва бошқа ташкилотларга тақдим этиш;

г) пул ўтказмалари бўйича амалиётларнинг ҳажми ҳамда даромадлиликни ошириш чораларини кўриш, уларнинг бухгалтерия ҳисобини, даромад ва харажатлар балансини назорат қилиш;

д) халқаро пул ўтказмалари иштирокчилари ҳамда банк ўртасида

2015 й. 16 - сентябр

хисоб-китобларни амалга ошириш;

д)ўз фаолияти йўналиши доирасида банкнинг филиалларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш.

Вакиллик муносабатлари ва документар операциялар бошқармаси:

а)банкнинг хорижий валютадаги вакиллик муносабаларининг ҳолати ва улар бўйича операциялар амалга оширилиши юзасидан умумий назоратни амалга ошириш;

б)банк тизимидаги барча документар операциялар ҳаракати юзасидан назорат олиб бориш.

Вакиллик муносабатлари шўъбаси:

а)маҳаллий ва чет эл банкларида ностро ва востро туридаги вакиллик ҳисоб рақамларининг очилиши ҳамда уларнинг юритилишини назорат қилиш, миждозларга вакиллик ҳисоб рақамлари орқали чет эл валютасидаги ҳисоб-китобларни ва касса хизматини ташкил этиш ҳамда таъминлаш механизмини такомиллаштириш;

б)банкнинг валюта ресурслари ҳаракати ҳамда улардан оқилона фойдаланиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва тегишли тавсияларни киритиш;

в)вакиллик ҳисоб рақамлари валюта позициясининг ҳолати устидан назорат олиб бориш;

г)вакил банклар, халқаро миқёсдаги илғор банклар ҳамда молия институтлари бўйича маълумотларни тузиш ва тавсиялар киритиш;

д)ўз фаолияти йўналиши доирасида банкнинг филиалларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

е)чет эл ва маҳаллий банклар билан вакиллик алоқаларини ўрнатиш учун ҳужжатларни тайёрлаш;

ё)бўлим фаолиятига доир ҳисобот ва ахборот материалларини тайёрлаш.

Документар операциялар бўлими:


а)документар операциялари бўйича иш олиб бориш ва Департамент бошлиғига таклифлар киритиш;

б)документар операциялар шартларига асосан тўловларни амалга ошириш юзасидан ҳаракатларни олиб бориш;

в)банкдан чиқаётган ва банкка келган аккредитив ва кафолатлар матнлари бўйича хулоса бериш;

г)документар операциялар бўйича келиб тушган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва текширувдан ўтказиш;

д)юрдик шахсларнинг импорт ҳамда экспорт операциялари тўловларидаги ҳужжат матнида тўловларнинг мақсади курсатилганлиги, операция ҳисобварақларининг дебети ҳамда кредити бўйича ҳам миждознинг фаолияти характери ва мазкур ҳисобварақ мақсадида мос



келишини текшириш;

е)аккредитивлар шартларини халқаро стандартлар ҳамда импорт шартномаларига мослигини текшириш. Аккредитивлар ва уларга илова қилинган товар-транспорт хужжатлари ёхуд улар ўрнини босувчи бошқа хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш, бу хужжатларнинг белгиланган шаклдаги бланкаларда тузилганлиги, уларнинг шаклларида кўзда тутилган барча реквизитлар тўлдирилганлигини назорат қилиш;

ё)хужжатларнинг қўшимча нусхалари унинг биринчи нусхасига мос келишини текшириш;

ж)хорижий банклар ва мижозларнинг буюртмаларига биноан бажариладиган валюта операциялари учун воситачилик ҳақи, халқаро телеграф ҳамда почта жўнатмалари учун харажатлар, уларни қоплаш суммалари, шунингдек хужжатлар ҳақини тўлаш ёки қарзларни қайтариш муддатлари кечикканлиги учун пенялар ва фоизлар суммаларини ҳисоблаш механизмларини мувофиқлаштириш.

Валюта операциялари ҳисобини юритиш маркази:

Марказ раҳбари банк филиаллари билан амалга ошириладиган валюта операцияларига масъул ҳисобланади ва ушбу операциялар бўйича хужжатларни имзолаш ваколатини олади. Марказнинг асосий функциялари куйидагилардан иборат:

а)банкнинг ҳудудий филиаллари ўртасидаги ўзаро ташқи савдо ва носавдо характердаги хорижий валюталарга боғлиқ бўлган ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш;

б)хорижий валютадаги банк операцияларининг амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий хужжатлар асосида амалга оширилишини назорат қилиш;

в)чет эл банкларидаги ностро туридаги вакиллик ҳисоб рақамларини очиш ҳамда уларни юритиш, филиалларга чет эл валютасидаги ҳисоб-китобларни ва касса хизматини ташкил этиш ҳамда таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

г)хорижий валютадаги кунлик операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини назорат қилиш;

д)банк филиаллари билан хорижий валюталарга оид ўзаро операцияларни амалга ошириш;

е)банк мижозларига кўрсатилган хизматлар учун ўрнатилган тарифлар асосида воситачилик ҳақини ундириш ҳамда фойда ва зарарлар ҳисобини юритиш;

ё)халқаро пул ўтказмалари маблағлари бўйича филиалараро операцияларни амалга ошириш;

ж)хорижий валютадаги кредитлар ва жалб қилинган ресурслар ҳисоб-китоби бўйича филиаллараро операцияларни амалга ошириш;

з)вакиллик ҳисобрақамлари бўйича ҳисоб-китобларни олиб бориш ва уларга доир операцияларни амалга ошириш;

170
2015 й. 16 - янв. 16
7

и)документар операциялар бўйича филиаллараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

й)валюта биржаси амалиётига доир филиаллараро операцияларни амалга ошириш;

з)Департаментнинг таркибий тузилмалари томонидан хорижий валюталарга оид бошқа операцияларни амалга ошириш;

и)банк хизматини кўрсатиш юзасидан хорижий валюталарга оид даромад ва харажатларни банк балансида ўз вақтида акс эттириш.

11.Марказнинг ҳар кунлик операциялари бўйича барча турдаги ҳужжатлари (тўлов ҳужжатлари, ўтказмалари, буюртма варақалари ва бошқа ҳужжатлар) марказда алоҳида юритилади ва сақланади. Ҳужжатларни топшириш ва қабул қилиш ишлари меъёрий ҳужжатлар билан ишлашнинг белгиланган тартибга риоя этган ҳолда амалга оширилади.